



# O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊАТИ Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan e-mail: uzas@b2c.uz 2011-yil 19-avgust • №34 (4121)

## ЮРТГА ЯРАШГАН ОДАМЛАР

### Орзулар рўёби

Тарихда инсоният ҳаётида қайсидир маънода бурилиш ясаган ёхуд давом этиб келаётган тараққиёт йўлини янги босқичга кўтарган улук кўнлар кўп. 1991 йилнинг 1 сентябри биз учун ўтмиш зарварларидан мангуа жой олган табаррук, умримизнинг сўнмас тарихига айланган муҳим саналардан бири бўлиб қолди.

Университет остонасига кўйган биринчи қадамим Ватанимиз мустақиллигининг биринчи кунига тўғри келганлигини доимо фахр билан эслайман. Бу куннинг ҳаяжони билан бирга масъулияти ҳам улкан эканлигини устозларимиз бизга биринчи кунданок алоҳида уқтиришган. Ота-оналаримиз, ака-опаларимиз ҳам илм олишган, меҳнат қилишган. Лекин қандай шароитда, қандай вазиятда? Озод ватан бағрида, ўзимиз хоҳлагандек билим олиш бизга насиб этди. Мактаб бағридан қалдирғочлардек учирқ қилинган ёшларга Ватан кенг, тинч осмон берди, олам жаҳон орзуларимизга имкон берди.

Истиқлолнинг ўша дастлабки кунлари ҳар доим хотирамда кино тасмасидек ўтиб туради. Хурсанд бўлганлару хавотирга тушганлару, кўксига шамол текканлару бўёғи нима бўларкан, деб кўл қовуштирганлар қанча эди. Ушанда Ўзбекистоннинг келажига истеҳзо билан қараб, шаънимизга қўллана гаплару иволарни ёдга раётган соёққ марказдаги кимсаларнинг жағлари тинмасди. Инсон қони-

га тўймаган одамхўрлар жар лабида ҳам ўзларининг сўнгги тошларини отиб қолишга жон-жаҳдлари билан киришган эдилар. Лекин ит хургани билан карвон тўхтаб қолмайди. Вақт олий ҳакам, ҳаракатингга қараб тақдирингги намён этаверади. Қарор қатъий, манзил аниқ, йўлбошчи оқилу довурак бўлса, мақсаднинг рўёбга чиқиши муқаррар.

Уша кезларда устозимиз, Самар-

захмакш халқимизнинг бошидан кўп савдолар ўтди. Мураккаб синовларга юзма-юз келди. Бироқ ўз йўлини аниқ белгилаб олган халқнинг иродаси синмади. Ўзбек эли бир қадам ҳам ортга чекинмади, фақат олдинга дадил қадам ташлаб келмоқда.

Маълумотларга кўра ҳозирги пайтда дунёда 1 миллиарддан ортиқ одам ўта қашшоқлик шароитида ҳаёт кечирилади. Шулардан 238 миллионини ёшлар ташкил этади. Ҳар йили 10 миллиондан ортиқ бола очлик ва касаллик оқибатида ҳаётдан кўз юма-япти. 133 миллиондан ортиқ ёшлар саводсизликдан қийналади. Бу каби рақамлар ҳар қандай кишини ҳўшёр торттиради. Агар мазкур фактларга муқояса қиладиган бўлсак, мустақил тараққиёт йўлини танлаган мам-

лакатимизда, энг аввало, инсон манфаатларига хизмат қилиш, аҳолини озиқ-овқат махсулотлари билан таъминлаш, маданий, маиший шароитларни яхшилаш, таълим олиш, меҳнат қилиш учун етарли имконият яратишга жиддий эътибор қаратилди. Шукри, бозорларимиз тўкин, юртдошларимизнинг таълим олиши, соғлигини мустаҳкамлаш ва бошқа соҳаларда кенг қулайликлар муҳайё этилган. Буларнинг барчаси халқимизнинг келажакка бўлган ишончи, жонқурлиги ва фидокорона меҳнатлари самарасидир.

Зотан, ўтган йиллар давомида мустақил, ёш мамлакатимизнинг,

Давоми иккинчи саҳифада.



Самарқанд шаҳридаги Мирзо Улуғбек ҳайкали, Рустам ШАГАЕВ, (ЎЗА) олган сурат.

## РЕГИСТОН ЎЗРА ЮЛДУЗЛАР

Қадам ва навқирон Самарқанд халқаро мусиқа фестивали қатнашчилари ва меҳмонларини кутмоқда



"Шарқ тароналари — 2011" халқаро мусиқа фестивалига тайёргарлик жараёни ннҳоясига етмоқда. Фестивал бош режиссёри, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Хайдарали Қосимов, бош балетмейстер Равшаной Шарипова, мусиқа раҳбари Абдуқошим Исмоиловнинг диққат-эътибори тантанали концерт, вокал ва рақс номерлари репетицияларига қаратилган.

Таникли режиссёр Баҳодир Йўлдошев уч юзга яқин талаба ёшлар ва бир неча фольклор жамоалари билан фестивалнинг очилиш маросимидаги умумий кўринишларга тайёргарлик кўрмоқда. Анжуманининг бош рессоми, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Шухрат Абдумаликов тантанали очилиш маросимининг саҳна беағи устидида ишларни яқулламоқда.

Саҳналаштирувчи рессом сифатида мазкур фестивалда тўртинчи марта қатнашган, — дейди Шухрат Абдумаликов. — Бу галги фестивал безакларини ишлашда асосан ёшлар қатнашаёпти, ҳаммаси ўқувчиларим. Жалол Раҳимов, Сардорбек Олимжонов, Рашида Иброҳимова, Миртожибой Мақсудов, Наташа Ким, Алина Гусарова, Наргиза Дадабоева, Отабек Номозовнинг номларини алоҳида айтиб ўтмоқчиман. Бунга ўзига хос маҳорат дарслари деса ҳам бўлади. Ниятимиз фестивалнинг ҳар томонлама юқори савияда ўтишига муносиб ҳисса қўиш. Мустақиллигимизнинг 20 йиллик тантаналари арафасида ўтадиган бу анжуман дунёнинг турли мамлакатларидан келадиган санъаткорларга ҳар доимгидан ҳам кўпроқ

завқ-шавқ бағишлайди, деган умиддаим.

Бу сафар фестивал тантаналари Регистон марказида, жуда катта микёсда бўлиб ўтади. Икки минг квадрат метр майдон саккиз қиррали юлдузни эслатади, четларида кўпярусли майдончалар бўлади. Уларнинг ҳар бирига миллий безаклар берилди. Рангтасвир, майолика, маҳобатли рангтасвир унсурларини ўзига мўжассам этган бу гаройиб бадий композицияни шартли равишда "Шарқ уйғониши" деб аташ мумкин. Кўча саҳна ҳамда амфитеатр Тошкент шаҳридаги "Технолог" илмий ишлаб чиқариш биноларига томондан яратилди.

Олдинги анжуманларда бўлганидек, бу гал ҳам байрам саҳнасига чиқадиган артистларнинг либосларига алоҳида аҳамият берилмапти. Истеъдодли рессом-моделлерлар гуруҳига таникли ёш рессом Севара Зунуннова бошчилик қилмапти.

Санокли кўнлардан сўнг "Шарқ тароналари" фестивали голиблари ва совриндорларининг номи маълум бўлади, уларга диплом ва мукофотлар билан бирга бетакорор жилгоя эга бўлган "Булбул" ҳайкалчаси ҳам топширилади. Қадим-қадимдан булбул мусиқа, шерьият, қўшиқ тинсоли сифатида тилга олиб келинган. Бизнинг фестивал булбули ҳаёт, яшиллик, нафис бўстон, галаба тинсоли. Булбул наваларини ифода этган "Булбул" ҳайкалчаси энг истеъдодли, энг муносиб санъаткорлар — "Шарқ тароналари" фестивалнинг голиб ва совриндорларини кутаётди.

Флора ФАХРУТДИНОВА

## МАҚСАД МАНЗИЛИ

### Ёхуа тилакларга бир полвоннинг шаҳди бор

Болалигимда онам кечалари кашта тикиб ўтириб, бизга "Гўрўғли" достонидан айтиб берардилар. Болалигимнинг тунлари беҳад мафтункор эди. Юлдузлар ҳам бошимиз ўзра эгилиб, дoston тинглаётганга ўхшарди. Ёстиққа бош қўйганча онамининг юзига тикиламан, у тиззасига ёйиб олган каштадан кўз узмайди. Кўллари тинмай ҳаракатланади. Майин ва ҳазин бир оҳанг юрагимга ҳайрат бўлиб тўкилаверади.

"Гўрўғли" достонини қуйлаб бўлган, онам кўзларида ўйчан бир ифода билан жим қолганда, энди бошқа дoston эшитмайманми, деб кўрқиб кетгандим. Шунда онам "Алломиш"дан халқона қиссаларни айта бошлардилар. Шу тарзда узун тунлар тонгга

уланарди. Алплар, пахлавонлар ўтган юртда яшаётганидан болаларча беғуборлик билан ғурурлардим. Юрагимда ифтихор бўй тортиб борарди. Айниқса, Ойбарчин қалмоқ алпларини бир кўтаришда йикитгани ҳақида эшитганимда ҳаяжондан энтиканимни эслайман. Бир кун келиб мен ҳам Ойбарчин келбатли санам бўлиб, элимнинг суюкли кизига айланаман, деган орзу кўнглимга тушганди. Орзулари осмон қадар ўсган бир мен эмасдим. Тенгқурларимнинг барчасида ўзига яраша орзу-ниятлар бор эди. Йигитлар полвон деган унвонга эга бўлмоқчи истарди.

Аmmo мен Ойбарчин келбатли санам бўла олмадим. Юрагимга полвонлик шаҳди сингган, эл-юрт

тўй ва сайлларда ҳам кураш беллашувлари ўтказиш таъқиқлаб қўйилганди. Ана шундай оғир дамларда ҳам юракларда полвонлик шаҳду шиддати сўнмади. Бу шиддат орзу ва тилакларга сингиб, қалблар тубига тўкилаверди.

### Ватан учун яшашлик!

Биз армонлар билан ўсдик, улгайдик. Фарзандлик ҳам бўлди. Оналаримиз кўнглимизга солган орзуларини биз ҳам ўз фарзандларимиз юрагимга жо эта бошладик.

Орзу бир кун келиб армонга айланади, деган гап бекор экан. У авлоддан-авлодга, юракдан-юракка ўтаркан. Улғайаркан, мунга-яркан, аммо зинҳор армонга айланмас экан. Рўёбга чиқмагунча қўймас, тинчимас экан. Бунга парентиклик машҳур полвон Камариддин Турсуновнинг қуйидаги гапларини далил қилиб келтириш мумкин.

Давоми иккинчи саҳифада.

### Ғолиблар тақдирланади

Президентимиз ташаббуси билан таъсис этилган «Ниҳол» мукофоти ҳар йили мустақиллик байрами арафасида истеъдодли ёш ижодкорларга тантанали равишда топширилади. Бу йил ўн биринчи мартаба топширилаётган нуфузли мукофот қўшлаб ёш истеъдодларга санъат чўққиларини эгаллашда кенг имкониятлар яратмоқда.

Табдир Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «Ўзбекнаво» эстрада биришмаси ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ўтказилди.

Бу йилги «Ниҳол» мукофоти таловида республикамизнинг барча вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасининг ўн бир мингта яқин иштирокчилар қатнашди ва юксак истеъдодли йигит-қизлар сараланиб, яқуний босқичга йўллана олишди. Танлов натижаларига кўра, мусиқа, опера, рақс, мумтоз қўшиқ ва эстрада йўналиши бўйича ўн бир нафар иштирокчи ғолибликни қўлга киритди. Бугун «Истиқлол» санъат саройида бўлиб ўтадиган тантанали кечада мукофотнинг бу йилги соҳиблари эълон қилинади.

## АСЛ КЎШИҚ — БУ САЊАТ АСАРИ



Яхши кўшиқ инсонни гўзал туйғуларга ошно этади, орзуларига қанот бериб руҳиятини кўтаради. Албатта, бугун кўшиқ айтишга ҳавасмандлар оз эмас. Аммо сарагини-саракка, пучагини-пучакка ажратадиган вақтдек одил ҳакам бор ва фақат санокчиларгина вақт синовидан ўтиб, санъат даргоҳида номларини қолдирадилар. Сўхбатдошимиз ана шу йўлда иزلаниш олиб бораётган, бир қанча диалар кўшиқлари билан эл меҳрини қозонган хонанда, таниқди суҳандон, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Шухрат Қаюмов.

Нью-Йорк шаҳрида мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланган "Ўзбекистон — бизнинг умумий уйимиз" номи суратлар кўргазмаси очилди. "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, мамлакатимизнинг Нью-Йоркдаги Бош консулиги ҳамда АҚШ ва Канададаги бухоролик яхудиёлар конгресси томонидан ташкил этилган кўргазмада таниқли фоторассом Р.Исҳоқовнинг мамлакатимизнинг бой тарихий-маданий мероси, мустақиллик йилларида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ҳамда миллий тараққиёт йўлига бағишланган асарлари намойиш этилмоқда.

### ЎЗБЕКИСТОН — УМУМИЙ УЙИМИЗ

— Ўзбекистон мустақиллигига бағишланган ушбу кўргазманинг очилишида иштирок этиш мен учун катта шараф, — деди Нью-Йорк шаҳри мэри Уринбосари Жон Лу. — 20 йиллик мустақиллик даврида мамлакатда катта ўзгаришлар юз бериб, иқтисодий юксалиш юз тутганлиги эътирофга лойиқ, Турли дин ва миллат вакиллари ўртасида ўзаро ҳурмат ва дўстлик руҳи ҳукмрон бўлган бу табирида иштирок этиш менга завқ бахш этмоқда. Кўргазма баҳона юртингизнинг нақадар гўзал табиатга эгаллиги, тарихий обидаларга бой эртакнамо мамлакат эканлигини ҳис қилдим. Яқин келажакда Ўзбекистонга ташриф буюришни дилимга тугиб қўйдим.

Фотокўргазма Америка жамоатчилигида катта қизиқиш уйғотди.

"Туркистон-пресс"

## ЯНГИЧА ИШЛАШ ЭҲТИЁЖИ

Бухоро вилояти ҳокимлигида маданият ва спорт муассасалари фаолиятини ўрганиш давомида аниқланган ютуқ ва муаммолар муҳокамасига бағишлаб Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда вилоят ҳокимлигининг қўшма йиғилиши бўлиб ўтди.

Тадбирда соҳа мутахассисларининг клуб муассасалари ҳамда маданият ва истироҳат боқлари фаолиятини яхшилаш йўллари, музейлар ишини янгилаш ташкил этиш ва аҳолига кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш бўйича маърузалари, шу-

нингдек, Бухоро шаҳри, Когон ҳамда Ғиждувон туманлари маданият ва спорт ишлари бўлимлари мудириларининг камчиликларни бартараф этиш бўйича ахборотлари тингланди.

Бухородаги ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар олимпия захиралари спорт мактаби, олимпия захиралари от спорти мактаби ва бошқа ўқув юртиларида болаларнинг ўзлари севган спорт турлари билан шугулланишлари учун ҳуқуқиятими томонидан шарт-шароитлар яратиб берилган. Бироқ йирик халқаро мусобақаларда, жаҳон чемпионатларида бухоролик спортчиларнинг иштироки ҳали кўнглидагидек эмас. Футболчилар орасида иқтидорлиларини аниқлаш мақсадида вилоят ҳокими соврини учун алоҳида мусобақа ташкил этиш тақдирини ўртага ташланди. Шунингдек, баъзи театрлар, музей-қўриқхона, коллежлар, кўзи оғизлар кутубхоналарида ҳам ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар мавжудлиги тилга олинди. Умуман олганда, вилоятда маданият ва спорт соҳасида амалга оширилаётган ишларни янада жонлантириш зарурлиги, соҳанинг жойлардаги раҳбарларида шахсий ташаббус ва интилувчанликнинг етишмаётгани таъкидланди.

Йиғилишда вилоят туманлари маданият ва спорт ишлари бўлимларида ишни янгилаш ташкил этиш, пуллик хизматларни ривожлантириш орқали бюджетдан ташқари маблағлар ҳажминини қўлай-тириш, мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш, коллеж битирувчиларини иш билан таъминлашда уларни маданият, санъат ва спорт соҳаларига жалб этиш юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.



Мақсуда ЭГАМБЕРДИЕВА

БАҒРИНГ — ЗАМИН, МЕҲРИНГ — ОСМОН



ВАТАН

Маҳт қилади тулларинг, хушбўй, Тиканларинг этар ҳимоя...

Болаларнинг қора кўзи — сен, Сен элимнинг ўзлиги — Ватан...

Сенинг олтин тупроқларингдан Уйиб чиққан орзу гуллариди...

Болдан ширин сўзларинг бағри Бола қалбга бўлди беланчак...

Узоқ-узоқ уфқлар сари йўлланган сен, тутиб гул-чечак...

Китобларни тутдинг қўлимга, Тутдинг яна қозоғ ва қалам...

Болам яхши кунлар кўрсин деб, Заҳматларга қўксинг қалқондир...

Сенинг нонинг тўйдирар фақат, Фақат зилол сувинг ягона...

Ватан, сенсан энг дилрабо куй...

ҲАЁТ МАНЗАРАЛАРИ

Лайлақлар сув ичган Ойдинбулоққа Юлдузлар термулар ойсираб...

Сувнат кўрпасин уқлар ёпишиб, Супуриб қўйилган эшиқлар тағи...

Ёмғирин қуймоққа излайди имкон, Шоир юрагидек тўлиққан булут...

Мустақиллигимизнинг йигирма йиллиги байрамни нишонлаш арафасида турибмиз...

Дил узҳори

АРАҒАДАГИ ҲАЁТ

Мустақиллигимизнинг йигирма йиллиги байрамни нишонлаш арафасида турибмиз...



кадрларини жой-жойига қўйганидан бошимиз осмонга етган эди. Шу ўринда айтиб қўяй...

ХАЛҚИМ

Катта дарёлардан сув ичган халқим Катта қалам ташлаб, тоғлардан ошар...

Балад тоғларининг қояларида Соҳибқиронларин бордир келбати...

ЭҲТИМОЛ ЭСЛАРСИЗ...

Эҳтимол эсларсиз: эринчоқ бир тун. Титроқ юлдузларининг эридри нури...

Чаларди чиридоқ оркестрлари — Йироқларда битта куйни узлуксиз...

Бериё боқарди зим-зиё атроф, Ҳам қулоқ соларди юрак розига...

Эҳтимол эсларсиз, эринчоқ бир тун...

Гултубакда бир туп ёронгул, Юрагимга бўйламоқ истар...

У шунчалар қалбимга элқи, Боқиб турар меҳрлан тоиймай...

Гултубакда бир туп ёронгул...

ДЕЙШИМИЗ КЕРАК

Мана, ақинда Саид Аҳмад билан Саида опамизнинг хурматини жойига қўйиб, уларга ҳайқал қўйиб ҳақида ҳукмат қарори чиқди...

Тенгдошларим ижодидан илҳомланди, мен ҳам ўзим туғилиб ўсган кишлук — Накурт ҳақида ёзишга жазм этдим...

1990 йил 1 сентябр куни мактаб оstonасига илк қадам қўйдим. Бор-йўғи учта хонадан иборат бу илм даргоҳининг деворлари нураган...

Карангки, мана энди адолат посонгиси ўз ўрнига келди. Ҳукуматнинг бу қарори қўйил қолмасдан илҳомимиз йўқ...

Иқинчида, бу қарорнинг оригиналчилиги шундаки, на теварак атрофимиздаги биронта кўшни мамлакатда...

Булардан ташқари, барча ёзувчиларимиз манфаатларини қўзлаб чиқарилган қарорлар ва унинг натижалари: Дурмон ижод уйининг, ёзувчилар поликлиникасининг таъмирланиши ва унга четдан келтирилган нобэ тиббий асбоб-ускуналар...

Буларга ёзувчиларимиз яқин асарлари, таржималари билан жавоб қайтарилари, ўзларининг қардорлик масъулиятини ҳис этишлари зарур.

Мустақиллигимиз бизга ҳади этган энг буюк неъмат, шубҳасиз, давлатимизнинг оғишмай юритаётган сисёати билан иш услубининг барқарорлигидадир...

дасликлар чиқарилмоқда. Кўплаб бадий асарлар чоп этилмоқда. Шунинг учун биз Алишер Навоийнинг "Хамса"си лотин ёзувимизда чоп этилгани ва халқаро танловда сифати биринчи уринини эгаллаганини айтиш билан чекланамиз...

Тўплада мустақиллик яратган маънавий имкониятлар ҳақида сўз юритилган бундай дил изорларни кўп ва улар, шубҳасиз, китобхоналари бефарқ қолдирмайди, деб ўйлаймиз.

Дарсликлар чиқарилмоқда. Кўплаб бадий асарлар чоп этилмоқда. Шунинг учун биз Алишер Навоийнинг "Хамса"си лотин ёзувимизда чоп этилгани ва халқаро танловда сифати биринчи уринини эгаллаганини айтиш билан чекланамиз...

БАЁТИМ БЎЛДИ ИСТИҚЛОЛ

Жаъфар МУҲАММАД

БОЙСУНГА ХАТ

Тошсан оёқ-бошгача, Бойсун! Тошсан кўзу қошгача, Бойсун!

Минг йил ўтиб яна ҳам ёшсан, Яша милён ёшгача, Бойсун!

Сурхонимда нима кўп? Тоғ кўп, Барибир сен бошгача, Бойсун!

ЮЗЛАНДИМ

Кезиб дашту биебонни, яна дарёга юзландим, Висол орзусида Мажнун каби Лайлога юзландим.

Губорлар тинди қалбимда, санамлар синди қалбимда, Бихамдуллаҳ, яна ул дилбери яктога юзландим.

Кечиб ёлгончи дохийдан, қизил туғли сипоҳийдан, Бухорийдек имому соҳиби фатвога юзландим.

Ватан ичра жаҳон топдим, муқаддас ошиён топдим, Кичик дунёдан ўтдим, олами Куброга юзландим.

Яна топдим нишонимни, жасур Соҳибқиронимни, Демакким, ўзлимни топдим дунёга юзландим.

Навоий қасрига кирдим, саодат асрига кирдим, "Хазойин ул-маоний" орқали маънога юзландим.

Ҳумо қуш қўнди бошимга, яна ёш қўшди ёшимга, Ҳумоюн сингари Бобур — улуг Мирзога юзландим.

Қанотим бўлди истиқлол, баётим бўлди истиқлол, Саодатдан яралган жаннат ул-маъвога юзландим.

Йигирма йилда юз йилни босиб ўтган гўзал элни, Юракдан қутлаб, эй Жаъфар, балад туғрога юзландим.



ҚАЙТАРМА

Шайтонсифат инсондан кирган бўлсанг, чик, чик, чик! Инсоннамо шайтондан кирган бўлсанг, чик, чик, чик!

Ҳасад деган ўрмондан келган бўлсанг, кет, кет, кет! Фазаб деган хайвондан кирган бўлсанг, чик, чик, чик!

Ёмғир каби осмондан ёққан бўлсанг, ёғ, ёғ, ёғ! Селдан, дўлдан, тўфондан кирган бўлсанг, чик, чик, чик!

Гул юзли бир жонондан кирган бўлсанг, хўп, хўп, хўп! Ўтдан, қўлдан, қулдондан кирган бўлсанг, чик, чик, чик!

Ойдин моҳи тобондан тушган бўлсанг, ой, ой, ой! Тубдан тубан инсондан кирган бўлсанг, чик, чик, чик!

Шеър узгал, девондан кирган бўлсанг, кир, кир, кир! Пулдан, молдан, дўқондан кирган бўлсанг, чик, чик, чик!

Жаъфар каби Сурхондан келган бўлсанг, кел, кел, кел, Аммо неки ёмондан кирган бўлсанг, чик, чик, чик!

ТЕНГДОШЛАРИМДАН ИЛҲОМЛАНИБ...

"Биз истиқлол фарзандларимиз!"

"ЎЗАС", 2011 йил 12 август

Мақзур умумий сарлавҳа остида газетанинг бугун сониде ёшларга сўз берилгани айти мудабо бўлди. Бирин хонанда, бири шоир, бири олим, яна бири журналист, архитектор, адабиётшунос, спортчи... Мухими, юксак мақсад сари интилаётган иқтидорли ёшларнинг ўй-фикрлари, она-Ватанга дахлдорлик тушунасиси, эл-юрт олдидаги бурғи масъулият билан ёндашиб юритган мулоҳазалари, орзу-умидлари, ўйламанки, ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди.

Тенгдошларим ижодидан илҳомланди, мен ҳам ўзим туғилиб ўсган кишлук — Накурт ҳақида ёзишга жазм этдим.

1990 йил 1 сентябр куни мактаб оstonасига илк қадам қўйдим. Бор-йўғи учта хонадан иборат бу илм даргоҳининг деворлари нураган, поли ўйилган. Шундай хароб аҳволда ҳам мактаб барибир мактаб эканди, бизни ўз бағрига қорала турарди. Энди ўйласам, ўша кезлари одамлар ноҳор хаёт кеңиришган, шунинг учун, чамамда, мактабдаги шарт-шароитларга, фарзандларининг билим олишига унчалик эътибор беришмаган. Ёшларнинг ҳам деярли барчаси кишлукда қолиб, далада меҳнат қилшган.

1991 йил 1 сентябрда ёғи таътил туғаб мактабга қайтдик. Бутун кишлук ахли байрам тантанасига йиғилди. Тўплаганлар гўё бир муҳим янгиликни кутаётгандек жиддий қиёфада. Ўша тadbирда сўз олган мактабимиз директори Ялғош Кўчқоров шундай деган эди: "Азиз кишлук ахли, ҳамкасблар, ўқувчилар, энг аввало, барчамизнинг асрий орзуимиз бўлган мамлакатимизнинг мустақилликка эришгани билан табриклайман! Бугун сизу биз гувоҳи бўлиб турган маъзур байрам мустақилликка эришган кун сифатида нишонланмоқда..."

Директоримиз сўзини тугатиб-туғатиб олқишлар янгради, одамларнинг юз-кўзларида қувонч порлади. 1992 йил 1 сентябр нафақат менинг, барча накуртликнинг хотира-сида ўчмас из қолдирди. Биз учун истиқлолнинг дастлабки меvasи — янги мактаб биноси қисқа муддатларда кад ростлаб фойдаланишга топширилди. Ёруғ ва шинам хоналарда сабоқ ола бошладик. Дарс ўтиш услубига ҳам янгилик ва ўзгаришлар киритилди. Энг муҳими, кишлукимизда олий ўқув юртиларига кирувчи ёшлар сафи кеңайди.

Бугун мамлакатимизнинг турли худудларида накуртликларни учратишингиз мумкин. Киндик қони томан гўшадан узоқда кимдир ўқияпти, кимдир ишлаяпти. Интилиш ва мақсадлар муштарақ мустақил Ватанимиз раванга ҳисса қўшиш. Хорижий мамлакатларда таълим олаётган йигит-қизлар орасида ҳам накуртлик ёшлар борлигидан қувонамиз.

Талабалик давримизда курсдошларимни кишлукда тақлиф қилдим. Манзилга кечаси етиб келганимиз учун улар теварак-атрофдаги манзаралардан беҳабар эди. Тонгда тоғлар билан ўралган Накурт сойи ва унинг икки ёнида қатор жойлашган ўйлар, тепадаги ўрмон ва мевали дарҳазорини кўриб ҳайратда қолишди... Ҳа, кишлукимиз жойлашган Нурота тизма тоғларига усадиган гиёҳларнинг сон-саногий йўқ. Хайвонот олами ҳам ўзига хос, бирина қушларнинг юздан ортик тури мавजूд. Зилол булоқ сувларидан ичганимиз сайин ичгингиз келади.

Хар гал кишлукқа отланарканман, қалбимда согинч, орзиқиш ҳиссини туйман. Ҳақиқатан ҳам, одам учун ўзингизнинг дурдона асарлари дунёга келишига замин ҳозирлайди.

"ШАҲРИХОНСОЙ МАВЖЛАРИ"

Устозлар ва шогиратлар

Андижон вилояти Шаҳрихон туманидаги "Мингчинор" дам олин масканда ёш ижодкорларнинг "Шаҳрихонсой мавжлари" анжумани бўлиб ўтди. Анжуман қатнашчилари дастлаб маърифатпарвар шоир Оразий музейи билан танишдилар.

"ҲАММАМИЗ БИР КЕМАДАМИЗ"

"Шарк" наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси бош тахририяти таникли адиб, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби Абдуқаҳҳор Иброҳимовнинг беш жилдди танланган асарлари охириги китобини босмадан чикарди. "Ҳаммамиз бир кемадамиз" деб номланган ушбу тўпلامга ёзувчининг турли йилларда битилган бадиалари жамланган.

"Инсоф", "Мен Бухороман", "Тил — тақдир демак", "Турикстон янроклар", "Ўзбек гавҳари" каби бадиаларда ёзувчи ҳаёт гузалликлари, инсоф ва адолат туйғуси каби маънавий неъматларни катта пафос билан каламга олади.

"Тилимизнинг нуфузи ошиб, давлат тили мақомига эришиши миллатимиз қадр топиб, қадрди тикланганига ёркин бир далилдир, — деб ёзади адиб "Лотин ёзуви — жаҳоний ёзув" деб номланган бадиасида.

Миллий Ҳўғионич тилдан бошланиб, Миллий тикланмишга олиб келган маънавий омиллардан бўлди, десак арзийди... Бугунги кунда ёш авлодимиз ҳам кирилл ёзувини, ҳам лотин ёзувимизни биладилар. Лотин ёзувимизда журнал ва газеталар, китоб ва



Носир ФОЗИЛОВ

Шаҳноза ШАМСИДИНОВА

Сирдарё вилояти

Гулаҳдон ЎЛМАСОВА, Андижон давлат университетини талдоқчи





